



09.03.2022 даги

"Sultan Lokomotiv Trans" МСНЖ ва Навоий шаҳар ХТБ ўртасида 198000000,00 сўм умумий суммага тузилган
14 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860124017092100075040

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифнинг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март	198 000 000,00			198 000 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	198 000 000,00			198 000 000,00

Жами 198000000,00 сўм

Бир юз тўқсон саккиз миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 59400000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет тақсироти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна _____% жорий ойнинг _____ санагача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бўлиб қолган тақсироти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қўшни ҳўжжатларида назарда тутилган ҳар ой донмий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартнома шартлари ва шартномадан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Хайитова Раъно Зокировна
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Рахмонов Тойир Тоштемирович
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул килди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул килди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 14

2022 й. «9» 3

2022-114-5-79-ХТ-сон

Навоий ш.

Навоий шаҳар Халқ таълими бўлими номидан низом устав асосида иш кўрувчи мудир в.в.б А.А.Сарбоев бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган иккинчи томондан "Sultan Lokomotiv Trans" МChJ номидан устав асосида иш кўрувчи А.С.Насимов кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади билан ушбу шартномани Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРК-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Навоий шаҳар халқ таълими бўлими харид комиссиясининг 07.03.2022 йилдаги танлов йиғилиш баённомасига асосан Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган **10-сонли умумий ўрта таълим мактаби иситиш тизимини жорий тамирлаш** буйича куйидаги шартномани туздик:

1. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари сметага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси Смета ва (Форма-2-3) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган **10-сонли умумий ўрта таълим мактаби иситиш тизимини жорий тамирлаш** сметада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига

олган ҳолда жорий нархларда **198 000 000 (бир юз тўқсон саккиз миллион) сўми** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ундаги иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

тўлов жадвалига биноан Пудратчига иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий тўловни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВгас конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 15 (ўн беш) кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида аванс ўтказди, бу **59 400 000 (Эллик тўққиз миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тўлов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2-3) асосан 70 (етмиш) фоиз амалга оширилади.

16. Бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилиб, Пудратчи объектни фойдаланишга топширади. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб олти кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектурурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби

бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ноқулай об-ҳаво ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

34. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган

объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

35. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб Объектни қабул қилиш 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

36. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан Хужжатларни тақдим этиш 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

37. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

11. КАФОЛАТЛАР

38. Пудратчи:

барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

39. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давлатархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

40. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

41. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

42. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

43. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

44. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

45. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонунчилик ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

47. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (эллиқ) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

48. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 (беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

49. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 (эллиқ) фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 (эллиқ) фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

50. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

52. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

14. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

53. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирилик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

54. Томонда ушбу Шартноманинг 53-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

55. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун чилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

16. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

56. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилди.

63. Мазкур шартнома томонлар тамонидан имзоланиб Навоий шаҳар Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

17. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Навоий шаҳар Халқ
таълими бўлими
Навоий шаҳар: А.Темур 4-уй
Телефон 99879 223 35 55
ШХР:

Банк Тошкент ш Марказий
банк ББХКМ
МФО:00014 ИНН:200 006 871

ОҚОНХ:

Муҳри в.в.б. А.А.Сарбоев

Ўз Рес Молия вазирлиги Ғазначилик

Ғазна Мах х/р 23402000300100001010



Пудратчи:

“Sultan Lokomotiv Trans” MChJ

Манзили: Навоий шаҳар
Телефон: (99) 153-41-43

Х/р: 20208000205378893001

Банк: В.ВЭД нац банк Навоий шаҳар
МФО: 00196 ИНН: 308416804

Раҳбар  А.С.Насимов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIK
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Pudrat

shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Navoiy shahar xalq ta'limi bo'limi 10.03.2022 yil (Hujjat qayta yuborilgan vaqti 14.03.2022 yil)

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

“Sultan Lokomotiv Trans” MChJ va Navoiy shahar xalq ta'limi bo'limi o'rtasida umumiy summasi 198 000 000 (bir yuz to'qson sakkiz million) so'm bo'lgan Navoiy shahar hududida joylashgan 10-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi isitish tizimini joriy ta'mirlash bo'yicha pudrat shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi O'RQ-684-son Qonuni talablari asosida tuzilgan.


Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



Sh.Sayfulloyev
14.03.2022 yil



ФИЗ ОБЪЁМ

НА ПУЩИИ РЕМОНТ СИСТЕМЫ ОТОПЛЕНИЯ ЗДАНИЕ ШКОЛЫ №10 ГОРОДА НАВОЙ.

N п.п.	Индикатор номера нормативов и коды ресурсов	Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество		Сметная стоимость	
				на единицу измерения	по проектным данным	на ед. изм.	общая
1	2	3	4	5	6	7	8
РАЗДЕЛ 1. ОТОПЛЕНИЯ							
1	E65-19-1	ДЕМОНТАЖ РАДИАТОРОВ ВЕСОМ ДО: 80 КГ	100ШТ	0,5000		3 147 367,30	1 573 684
1.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(2,1:1)	ЧЕЛ.-Ч	110	55	28612,43	1573684
2	E18-3-1-2	УСТАНОВКА РАДИАТОРОВ СТАЛЬНЫХ	100КВТ	2,6460		1 984 212,00	5 250 225
2.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(3,4:1)	ЧЕЛ.-Ч	65,6	173,5776	28612,43	4966477
2.3	521	ДРЕЛИ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ	МАШ.-Ч	0,21	0,55566	727,36	404
2.7	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	1,85	4,8951	57883,16	283344
3	200-201	РАДИАТОР БИМЕТАЛ/СЕКЦИЯ/	ШТ	1200,0000		75 711,99	90 854 391
4	200-211	АМЕРИКАНКА НАРУЖ.РЕЗ. Д-25ММ	ШТ	250,0000		17 049,00	4 262 250
5	200-112	МУФТА ПВХ Д-25ММ	ШТ	300,0000		7 216,00	2 164 800
6	200-113	ОТВОД ПВХ Д-25ММ	ШТ	500,0000		1 122,00	561 000
7	200-114	КЛИПСА ПВХ Д-25ММ	ШТ	500,0000		489,00	244 500
8	200-116	ВЕНТИЛЬ ПВХ Д-25ММ	ШТ	60,0000		16 500,00	990 000
9	E18-7-1-5	УСТАНОВКА КРАНОВ ВОЗДУШНЫХ	КОМПЛЕКТ	125,0000		3 434,67	429 334
9.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(4,4:1)	ЧЕЛ.-Ч	0,12	15	28612,43	429186
9.4	35567	ОЧЕС ЛЬНЯНОЙ	КГ	0,01	1,25	118,00	148
10		КРАНОВ ВОЗДУШНЫХ	ШТ	125,0000		26 786,00	3 348 250
11	E16-4-2-2	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 25 ММ	100М	5,5000		4 390 418,24	24 147 300
11.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(4,2:1)	ЧЕЛ.-Ч	149,64	823,02	28612,43	23548602
11.3	116	АГРЕГАТЫ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ	МАШ.-Ч	8,12	44,66	10891,00	486392
11.6	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	0,22	1,21	57883,16	70039
11.8	30451	ДЮБЕЛИ С КАЛИБРОВАННОЙ ГОЛОВКОЙ (В ОБОЙМАХ) 3X58,5 ММ	Т	0,00059	0,003245	3700000,00	12007
11.13	45404	ПАТРОНЫ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНО-МОНТАЖНОГО ПИСТОЛЕТА	1000ШТ	0,069	0,3795	50000,00	18975
11.14	64476	НАКОНЕЧНИКИ	КГ	0,38	2,09	5400,00	11286
12	38028	ТРУБЫ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ ДЛЯ ГОРЯЧЕЙ ВОДЫ PN20 D25 /D3, СТЕНКА 4,2	М	510,9500		7 555,00	3 860 227
13	E16-4-2-6	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 63 ММ	100М	1,0000		4 220 985,31	4 220 985
13.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(3,9:1)	ЧЕЛ.-Ч	141,52	141,52	28612,43	4049231
13.3	116	АГРЕГАТЫ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ	МАШ.-Ч	13,34	13,34	10891,00	145286
13.6	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	0,34	0,34	57883,16	19680
13.12	45404	ПАТРОНЫ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНО-МОНТАЖНОГО ПИСТОЛЕТА	1000ШТ	0,085	0,085	50000,00	4250
13.13	64476	НАКОНЕЧНИКИ	КГ	0,47	0,47	5400,00	2538
14	38032	ТРУБЫ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ ДЛЯ ГОРЯЧЕЙ ВОДЫ PN20 D63 /D3, СТЕНКА 4,2	М	94,6000		47 292,00	4 473 823
15	200-117	МУФТА ПВХ Д-63ММ	ШТ	20,0000		74 608,60	1 492 172
16	200-118	ОТВОД ПВХ Д-63ММ	ШТ	16,0000		10 177,00	162 832
17	200-119	ПОЛУОТВОД Д-63ММ	ШТ	10,0000		10 177,00	101 770
18	200-120	ТРОЙНИК ПВХ Д-63X63ММ	ШТ	10,0000		16 280,00	162 800
19	200-121	ПЕРЕХОД ПВХ Д-63X50ММ	ШТ	10,0000		3 478,00	34 780
20	200-122	ВЕНТИЛЬ ПВХ Д-63ММ	ШТ	6,0000		111 000,00	666 000
21	200-123	ТРОЙНИК ПВХ Д-25X20ММ	ШТ	50,0000		1 113,00	55 650
22	E18-5-1-1	УСТАНОВКА НАСОСОВ ЦЕНТРОБЕЖНЫХ С ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЕМ МАССОЙ АГРЕГАТА, ДО 0,1 Т	НАСОС	1,0000		459 356,42	459 356
22.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(3,7:1)	ЧЕЛ.-Ч	14,17	14,17	28612,43	405438
22.4	2016	УСТАНОВКИ ДЛЯ СВАРКИ РУЧНОЙ ДУГОВОЙ (ПОСТОЯННОГО ТОКА)	МАШ.-Ч	0,52	0,52	4077,65	2120
22.5	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	0,03	0,03	57883,16	1736
22.6	5628	АНКЕРНЫЕ ДЕТАЛИ ИЗ ПРЯМЫХ ИЛИ ГНУТЫХ КРУГЛЫХ СТЕРЖНЕЙ С РЕЗЬБОЙ В КОМПЛЕКТЕ С ШАЙБАМИ И ГАЙКАМИ ИЛИ БЕЗ НИХ), ПОСТАВЛЯЕМЫЕ ОТДЕЛЬНО	Т	0,0022	0,0022	5171510,00	11377
22.7	12102	РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ТЯЖЕЛЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ, МАРКА 50	М3	0,014	0,014	645886,00	9042
22.8	35319	ЭЛЕКТРОДЫ ДИАМЕТРОМ 5 ММ Э42А	Т	0,00039	0,00039	13474783,00	5255
22.9	45407	ПРОКЛАДКИ РЕЗИНОВЫЕ (ПЛАСТИНА ТЕХНИЧЕСКАЯ ПРЕССОВАННАЯ)	КГ	0,07	0,07	5400,00	378
22.11	52039	БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ, ДИАМЕТРОМ 12 ММ	Т	0,00127	0,00127	18904348,00	24009
23	17064-1759	НАСОС КГТХ Д-57ММ	ШТ	1,0000		4 500 000,00	4 500 000
24	200-124	АМЕРИКАНКА Н.Р. Д-63ММ	ШТ	36,0000		74 608,60	2 685 910
25	E69-1-3	ПРОБИВКА ОТВЕРСТИЙ В КИРПИЧНЫХ СТЕНАХ ДЛЯ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ ТРУБ ВРУЧНУЮ ПРИ ТОЛЩИНЕ СТЕН В: 1,5 КИРПИЧА	100ШТ	0,5000		3 424 907,87	1 712 454
25.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(2:1)	ЧЕЛ.-Ч	119,7	59,85	28612,43	1712454
26	E69-4-1	ЗАДЕЛКА ОТВЕРСТИЙ В МЕСТАХ ПРОХОДА ТРУБОПРОВОДОВ В: СТЕНАХ И ПЕРЕГОРОДКАХ ОШТУКАТУРЕННЫХ	100ШТ	0,5000		3 062 091,74	1 531 046
26.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(3:1)	ЧЕЛ.-Ч	78,66	39,33	28612,43	1125327
26.4	12198	РАСТВОР ЦЕМЕНТНЫЙ МАРКА ПО ПРОЕКТУ	М3	0,2	0,1	645886,00	64589
26.5	30391	ГВОЗДИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ С ПЛОСКОЙ ГОЛОВКОЙ 1,8X60 ММ	Т	0,0005	0,00025	8000000,00	2000
26.6	36056	ПИЛОМАТЕРИАЛЫ ХВОЙНЫХ ПОРОД ДОСКИ ОБРЕЗНЫЕ ДЛИНОЙ 4-6,5 М, ШИРИНОЙ 75-150 ММ, ТОЛЩИНОЙ 32-40 ММ II СОРТА	М3	0,2	0,1	3391304,00	339130
27	E19-1-3-1	УСТАНОВКА ГАЗОГОРЕЛОЧНЫХ УСТРОЙСТВ С ГОРЕЛКАМИ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТЬЮ ДО 5 М3/Ч	ШТ	1,0000		151 652,46	151 652
27.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(5:1)	ЧЕЛ.-Ч	5,28	5,28	28612,43	151074

1	2	3	4	5	6	7	8
27.3	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	0,01	0,01	57883,16	579
28	800-2111	ГОРЕЛКА ГАЗОВЫЕ АВТОМАТИЧЕСКА	ШТ	1,0000		5 000 000,00	5 000 000
29	E18-7-1-2	УСТАНОВКА МАНОМЕТРОВ С ТРЕХХОДОВЫМ КРАНОМ	КОМПЛЕКТ	2,0000		6 295,91	12 592
29.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(4,2.1)	ЧЕЛ.-Ч	0,22	0,44	28612,43	12589
29.4	35567	ОЧЕС ЛЬНЯНОЙ	КГ	0,01	0,02	118,00	2
30	800-111	МАНОМЕТРОВ	ШТ	2,0000		129 000,00	258 000
31	E18-7-1-4	УСТАНОВКА ТЕРМОМЕТРОВ В ОПРАВЕ ПРЯМЫХ И УГЛОВЫХ	КОМПЛЕКТ	2,0000		8 871,03	17 742
31.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(3,8.1)	ЧЕЛ.-Ч	0,31	0,62	28612,43	17740
31.5	35567	ОЧЕС ЛЬНЯНОЙ	КГ	0,01	0,02	118,00	2
32	800-112	ТЕРМОМЕТР	ШТ	2,0000		129 000,00	258 000
33	E26-1-9-1	ИЗОЛЯЦИЯ ТРУБОПРОВОДОВ; МАТАМИ МИНЕРАЛОВАТНЫМИ МАРОК 75, 100, ПЛИТАМИ МИНЕРАЛОВАТНЫМИ НА СИНТЕТИЧЕСКОМ СВЯЗУЮЩЕМ МАРОК 75	1 МЗ	0,5900		1 209 358,39	713 521
33.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(4,1.1)	ЧЕЛ.-Ч	18,85	11,1215	28612,43	318213
33.4	2509	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т	МАШ.-Ч	0,64	0,3776	57883,16	21857
33.5	32538	ПРОВОЛОКА СТАЛЬНАЯ НИЗКОУГЛЕРОДИСТАЯ РАЗНОГО НАЗНАЧЕНИЯ ОЦИНКОВАННАЯ ДИАМЕТРОМ 1,1 ММ	Т	0,00053	0,0003127	5250000,00	1642
33.6	32539	ПРОВОЛОКА СТАЛЬНАЯ НИЗКОУГЛЕРОДИСТАЯ РАЗНОГО НАЗНАЧЕНИЯ ОЦИНКОВАННАЯ ДИАМЕТРОМ 1,6 ММ	Т	0,00101	0,0005959	5250000,00	3128
33.8	40853	СТАЛЬ ОЦИНКОВАННАЯ ЛИСТОВАЯ ТОЛЩИНА ЛИСТА 0,8 ММ	Т	0,0265	0,015635	10200000,00	159477
33.10	41151	СТЕКЛОПЛАСТИК РУЛОННЫЙ, ШИРИНОЙ 50 ММ	М2	2,204	1,30036	4500,00	5852
33.11	41152	МАТЕРИАЛЫ ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННЫЕ	М3	1,54	0,9086	223809,00	203353
34	200-125	ФЛЯНЕЦ	ШТ	4,0000		80 900,00	323 600
35	200-126	ВЕНТИЛ ПВХ Д-20ММ	ШТ	30,0000		13 700,00	411 000
36	200-127	ТРОЙНИК ПВХ Д-25Х20ММ	ШТ	30,0000		1 113,00	33 390
37	200-128	ТРОЙНИК ПВХ Д-32Х25ММ	ШТ	30,0000		1 742,00	52 260
38	E18-7-1-5	УСТАНОВКА КРАНОВ ВОЗДУШНЫХ	КОМПЛЕКТ	2,0000		3 433,49	6 867
38.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ(4,4.1)	ЧЕЛ.-Ч	0,12	0,24	28612,43	6867
39	200-155	КРАН ТРЕХХОДОВОЙ	ШТ	2,0000		110 000,00	220 000
		ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ	ЧЕЛ.-ЧАС				1 339
		ЗАРПЛАТА	СУМ				38 316 882
		ЭКСПЛУАТАЦИЯ МАШИН	СУМ				1 031 437
		СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ	СУМ				118 039 845
		ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ 5%	СУМ				5 901 992
		ИТОГО	СУМ				163 290 156
		ОБОРУДОВАНИЕ	СУМ				10 016 000
		ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ 2%	СУМ				200 320
		ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ	СУМ				173 506 476
		ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 18%	СУМ				24 493 523
		ИТОГО БЕЗ НДС	СУМ				198 000 000

ДИРЕКТОР ООО "SULTON LOKOMATIV TRANS"



А.С.НАСИМОВ

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 34815 на приобретение 10 мактаб
иссиқлик тизимини жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 07.03.2022

Время рассмотрения 07.03.2022 15:48

Конкурсная комиссия ХТБ марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SARBOYEV ABDUSAMAD ABDURASULOVICH	мудир ўринбосари	Навоий шаҳар халқ талими бўлими
Секретарь комиссии	ZOIROV MA'RUF SHOKIR O'G'LI	давлат харидлари ва шартномалари бўлими хисобчиси	Навоий шаҳар халқ талими бўлими
Член комиссии	XADJAYEV IBRAGIM UROKOVICH	Бош муҳандис	Навоий шаҳар халқ талими бўлими
Член комиссии	BOZOROVA DILAFRO'Z BAXTIYOROVNA	Бош иқтисодчи	Навоий шаҳар халқ талими бўлими
Член комиссии	RAXMONOV TOYIRJON TOSHTEMIROVICH	Бош хисобчи	Навоий шаҳар халқ талими бўлими
Член комиссии	TO'XTAYEV SHUHRAT TURDIYEVICH	Товар ва моддий бойликлар буйича хисобчи	Навоий шаҳар халқ талими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.03.2022 года № лота 34815.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту отопления и сантехники
Подробное описание	иссиқлик тизимини жорий тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	249 882 871.00
Стартовая сумма	249 882 871.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 бажарилган ишлар хизматлар уз вақтида ва сифатли бажарилиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: 10 мактаб иситиш тизимини тамирлаш ишлари тугагандан сунг топширди қабул қилди далолатномаси қилинип ишни сифатли даражада топшириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BAHORA QURILISH KELAJAGI XK	100	Шардингизга Розимиз	50	Экспертная		
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MЧЖ	100	соответствует	80	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	100	209540400	80	Экспертная		
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK MЧЖ	100	237388727	60	Экспертная		
ООО SHEROZIY BIZNES OPTIMA	100	230500000	40	Экспертная		
ООО SULTAN LOKOMATIV TRANS	100	такдим этилади	90	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	100	224944058	60	Экспертная		
"Кафолат монтаж"	100	Опыт	30	Экспертная		
ООО IBROHIM NODIRABEGIM YULDUZI	100	Ушбу 10 мактаб иситиш тизимини тамирлаш ишларини 15 кун ичида тугатиб топширамиз	3	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	100	100. Рейтинг СС. 11 йиллик тажриба бор. 3 йил кафолат берамиз. Иловалар такдим килинди.	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	249 882 871.00	224 944 058.00	02.03.2022 17:59:34	88.02
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	249 882 871.00	209 540 400.00	02.03.2022 12:46:24	94.49
BAHORA QURILISH KELAJAGI XK	249 882 871.00	224 450 000.00	28.02.2022 15:46:28	88.22
ООО IBROHIM NODIRABEGIM YULDUZI	249 882 871.00	229 882 000.00	02.03.2022 18:30:03	
«NAVOIY ICHIMLIK SUV	249 882 871.00	237 388 728.00	02.03.2022	83.41

QURILISH» МЧЖ			01:20:26	
ООО SULTAN LOKOMATIV TRANS	249 882 871.00	198 000 000.00	02.03.2022 17:37:36	100.00
"Кафолат монтаж"	249 882 871.00	231 710 346.00	02.03.2022 18:03:12	
ООО SHEROZIY BIZNES OPTIMA	249 882 871.00	230 500 000.00	02.03.2022 16:33:02	85.90
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	249 882 871.00	237 388 727.00	02.03.2022 16:30:46	83.41

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	Прошел	88.02	88.02
FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	Прошел	94.49	94.49
BAHORA QURILISH KELAJAGI ХК	Прошел	88.22	88.22
ООО IBROHIM NODIRABEGIM YULDUZI	Прошел		0
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» МЧЖ	Прошел	83.41	83.41
ООО SULTAN LOKOMATIV TRANS	Прошел	100	100
"Кафолат монтаж"	Прошел		0
ООО SHEROZIY BIZNES OPTIMA	Прошел	85.9	85.9
Саховат агро таерлов савдо	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	Прошел	83.41	83.41

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 34815 от 07.03.2022 года на приобретение 10 мактаб иссиқлик тизимини жорий тамирлаш определила победителем:

ООО SULTAN LOKOMATIV TRANS
308416804

и резервный исполнитель: FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ (302689747)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	BOZOROVA DILAFRO'Z BAXTIYOROVNA	Согласен	
Председатель комиссии	SARBOYEV ABDUSAMAD ABDURASULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XADJAYEV IBRAGIM UROKOVICH	Согласен	
Член комиссии	TO'XTAYEV SHUHRAT TURDIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП